

МУНДАРИЖА:

1. Умумий коидалар.....	2
2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йуналишлари) ва максади.....	2-3
3. Жамият Устав фонди (Устав капитали)нинг микдори.....	3-4
4. Жамият акцияларининг сони, номинал киймати турлари ва улар буйича дивидентлар тулаш тартиби.....	4-5
5. Жамиятнинг захира фонди.....	5
6. Жамият бошқарувнинг тузилмаси.....	5-6
7. Жамият акциядорларнинг умумий йигилиши.....	7-9
8. Жамият кузатув кенгайиши.....	6-8
9. Жамиятнинг ижроия органи.....	8-9
10. Жамиятнинг тафтиш комиссияси.....	10
11. Якуний коидалар.....	11

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ELEKTRTARMOQQURILISH» акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда «жамият» деб юритилади мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуни (бундан буён матнда «Конун» деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: «ELEKTRTARMOQQURILISH» aksiyadorlik jamiyati;

Рус тилида: акционерное общество «ELEKTRTARMOQQURILISH»;

Инглиз тилида: Joint-Stock Company «ELEKTRTARMOQQURILISH».

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: «ETQ» AJ;

Рус тилида: АО «ETQ»;

Инглиз тилида: JSC «ETQ».

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (пошли манзили): 100070, Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 19-үй

1.5. Жамиятнинг электрон пошли манзили: etq.kancelyariya@mail.ru

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.etq.uz

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишdir.

2.2. Жамият ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг куйидаги турларини амалга оширади:

- ҳам Ўзбекистон Республикасида, ҳам ундан ташқарида халқ хўжалиги мажмуасининг барча соҳаларида электр узатиш линиялари ва нимстанцияларини қуриш, монтаж қилиш, техник қайта қурроллантириш, реконструкция қилиш созлаш ва таъмиrlаш ишларини бажариш;

- бурғулаш ва портлатиш ишларини бажариш;

- ёнилғи-мойлаш материалларини, нефтни ва уларнинг таркибий қисмларини қайta ишлаш;

- ҳар қандай турдаги қопламали (асфалт, асфалтобетон, цемент) автомобил йўлларини, магистралларни ва уларнинг иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмиrlаш;

- жихоз-ускуналар, электротехника буюмлари, қурилиш конструкциялари ва материалларни тайёрлаш;

- лойиҳа-смета ва конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва жорий қилиш;

- ўз эҳтиёжлари учун ҳам, барча мулк шакллардаги буюртмачиларнинг эҳтиёжлари учун ҳам ишлаб чиқариш ва турар жой, шу жумладан ётоқхона туридаги, шунингдек қишлоқ хўжалик мақсадли обьектларни қуриш ва таъмирлаш, ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш;
- транспорт хизматларини барча турларини, шу жумладан юклар ва йўловчиларни халқаро ташишларни амалга ошириш;
- ахборот ва реклама фаолияти;
- тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- магистрал газ кувурлари, нефт кувурлари ва нефт маҳсулотлари кувурларини лойихалаштириш, қуриш, фойдаланиш ва таъмирлаш;
- ягона энергетика тизимиға уланадиган стационар электростанцияларда электроэнергиясини ишлаб чиқариш;
- кўприклар ва ер ости йўлларини лойихалаштириш, қуриш, фойдаланиш ва таъмирлаш;
- мудофаа обьектларини лойихалаштириш, қуриш, фойдаланиш ва таъмирлаш;
- юқори хавфли обьектларни ва эҳтимолий хавфли ишлаб чиқаришларни лойихалаштириш, қуриш ва фойдаланиш;
- ички ва халқаро йўналишидаги темир йўл транспорти билан, шунингдек дарё транспорти билан йўловчиларни ва юкларни ташиш;
- ички ва халқаро хаво линияларида йўловчиларни ва юкларни ташиш;
- аэропортларда хаво ташишларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти.
- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)НИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) 1 517 440 000 (бир миллиард беш юз ўн етти миллион тўрт юз қирқ минг) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 4 000 сўм бўлган 379 360 дона оддий акцияларга бўлинган.

а) Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав фонди (устав капитали)ни ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори — номинал қиймати 4000 сўм бўлган 4 963 636 дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби белгиланади.

- ўз эҳтиёжлари учун ҳам, барча мулк шакллардаги буюртмачиларнинг эҳтиёжлари учун ҳам ишлаб чиқариш ва турар жой, шу жумладан ётоқхона туридаги, шунингдек қишлоқ хўжалик мақсадли обьектларни куриш ва таъмирлаш, ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш;
- транспорт хизматларини барча турларини, шу жумладан юклар ва йўловчиларни халқаро ташишларни амалга ошириш;
- ахборот ва реклама фаолияти;
- тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- магистрал газ қувурлари, нефт қувурлари ва нефт махсулотлари қувурларини лойихалаштириш, куриш, фойдаланиш ва таъмирлаш;
- ягона энергетика тизимиға уланадиган стационар электростанцияларда электроэнергиясини ишлаб чиқариш;
- кўприклар ва ер ости йўлларини лойихалаштириш, куриш, фойдаланиш ва таъмирлаш;
- мудофаа обьектларини лойихалаштириш, куриш, фойдаланиш ва таъмирлаш;
- юқори хавфли обьектларни ва эҳтимолий хавфли ишлаб чиқаришларни лойихалаштириш, куриш ва фойдаланиш;
- ички ва халқаро йўналишидаги темир йўл транспорти билан, шунингдек дарё транспорти билан йўловчиларни ва юкларни ташиш;
- ички ва халқаро хаво линияларида йўловчиларни ва юкларни ташиш;
- аэропортларда хаво ташишларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти.
- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)НИНГ МИҚДОРИ

- 3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.
- 3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) 1 517 440 000 (бир миллиард беш юз ўн етти миллион тўрт юз қирқ минг) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 4 000 сўм бўлган 379 360 дона оддий акцияларга бўлинган.

а) Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш

- 3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав фонди (устав капитали)ни ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори — номинал қиймати 4000 сўм бўлган 4 963 636 дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби белгиланади.

3.7. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-хукукий битимлар тузиш йўли билан биржа бозорида ёки биржадан ташқари бозорда жойлаштирилади.

3.8. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуқлар (шу жумладан мулкий хукуқлар) орқали амалга оширилади.

б) Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни камайтириш

3.10. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

113.11. Агар устав фонди (устав капитали)ни камайтириш натижасида унинг миқдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав фонди (устав капитали)ни камайтиришга ҳақли эмас.

3.12. Устав фонди (устав капитали)ни камайтириш тўғрисида қарор қабул килган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фонди (устав капитали)ни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

4.2. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларнинг номинал қийматини оладилар.

4.3. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.4. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.5. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендерни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равища тақсимланади.

4.7. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендер тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

4.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендер тўлаш, дивидендинг миқдори, уни тўлаш шакли ва

тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.9. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав фонди (устав капитали)нинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига Ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамият бошқарув органлари — акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгashi ва ижроия органи (Бош директор).

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

Жамият Давлат вакилини акциядорларнинг умумий йигилиши утказилишидан йигирма бир кун олдин ёзма равишда хабардор килиши шарт.

7.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши тугрисида хабарнома корпоратив маълумотларнинг ягона порталида, корхонанинг расмий веб-сайтида ва оммавий

воситаларида эълон килинади, шунингдек акциядорларга электрон почта оркали йигирма бир кундан кечиктиrmай, лекин санадан уттиз кун олдин юборилади. Акциядорларнинг умумий йигилиши булиб, хабар акциядорларга эълон килинган кундан кечиктиrmай етказилади.

7.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш;

жамиятнинг устав фонди (капитали)ни камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшлиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли хуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори микдорларини белгилаш;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз берип яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан йигирма бир кундан ва ўттиз кундан кечиктирмай қонун хужжатларидан белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

7.6. Жамият овоз берувчи акцияларнинг хаммаси булиб камида бир фоизга әгалик килувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили туганидан кейин түксөн кундан кечиктирмай, акцияларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга хамда Жамият Кузатув кенгашы ва тафтиш комиссиясига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдын тарзда номзодлар курсатишга хакли.

7.7. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тұғрисида»ги низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият кузатув кенгашы жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллукли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатта сайланадилар. Жамият кузатув кенгashi аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

8.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бүйича қўрилаётган чоратадбирлар тұғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият уставининг 7.3 бандида кўрсатилган масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгashi мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгashi зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш.

Жамият кузатув кенгashi ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текшируванинің түрлісінде, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тұланадиган ҳақнинг энг күп мікдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

аудиторлик текширув түрлісінде қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматлари учун тұланадиган тулов мікдорини факат проактив аудит нұктай назардан аниклаш түрлісінде;

жамиятнинг тафтиш комиссиясы аъзоларига (тафтишчисига) тұланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг мікдорлари юзасидан тавсиялар беріш;

дивиденд мікдори, уни тұлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар беріш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шүйба ва тобе хұжалик жамиятларини ташкил этиш;

қимматли қоғозлар чиқарылышы түрлісінде қарор қабул қабыл атасынни тасдиқлаш;

аввал рүйхатдан түкелген қимматли қоғозлар чиқарылышларига ўзgartыриш ва (ёки) құшымчалар киритиш;

қонунчиликда белгиланған ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланған шахслари билан битимлар тузиш түрлісінде қарор қабул қилиш;

жамият Баш директорининг ваколатлари мұддатидан илгари тугатылған тәжіриде, унинг вазифасини вақтінча бажарувчini тайинлаш;

жамиятнинг тижендерінде жамият ташкилдардаги иштироки билан бөлгілік битимларни қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтарып сотиб олиш түрлісінде қарор қабул қилиш.

8.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз беріш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз берішда хар бир акциядорға тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим болған шахслар сонига күпайтирилади ва акциядор шу таріқа олинған овозларни битта номзодға түлиқ берішге ёки уларни иккі ва үндән ортиқ номзодлар үртасыда тақсимлашға ҳақлидір. Энг күп овоз түпласаған номзодлар жамият кузатув кенгаши таркибінде деб ҳисобланади.

8.5. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан үларнинг үзділік орасыдан жамият кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан күпчилик овоз билан сайланади. Жамият кузатув кенгаши үз раисини жами аъзоларнинг күпчилик овози билан қайта сайлашға ҳақлидір.

8.6. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва үларда раислик қылади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

8.7. Жамият кузатув кенгаши раиси түрлі қылымдарда унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

8.8. Факат Кузатув кенгаши аъзоларидан таркиб топған тафтиш комиссиясининг тузиш хукукіга ега. Уз фаолиятта корхонаның ички аудит хизматы (агар мавжуд болса), ушбу кумитегінде қарор беради.

8.8. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта қылымдаридан. Заруриятта күра жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқары мажлислари ҳам түкелген мүмкін.

8.9. Жамият кузатув кенгашининг қарори кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.10. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи раҳбари Бош директор томонидан амалга оширилади.

9.2. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

9.3. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига ҳисбот беради.

9.4. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади). Бош директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.5. Бош директорга тўланадиган ҳақ микдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

9.6. Бош директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.7. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.8. Бош директорнинг ваколатларига қўйидагилар киради:

— мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

— Кузатув кенгашининг розилигига қўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

— Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

— Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

— штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

— Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

— Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

— ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

— Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаси қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

— амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

— амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

9.9. Бош директор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади.

9.10. Бош директор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларга риоя қиласди.

9.11. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

9.12. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

9.13. Бош директор мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

X. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

10.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан ҳабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият

ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги холосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига оид ахборотни кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) холоса тузади, бу холосада:

Ушбу банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган холоса акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида эштилади.

10.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларида мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

10.4. Жамият тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши чакирилишини талаб қилишга хақли.

10.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

10.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низомда белгилаб қўйилади.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

11.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равища суд орқали ҳал қилинади.

11.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб қучга киради.

“Elektrtarmoqqurilish” АЖ Бош директори в.б

Б.Т.Нишанов



000040



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ELEKTRTARMOQQURILISH" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

"ELEKTRTARMOQQURILISH" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.09.1995

11-000040

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

200626021

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, GLINKA KO'CHASI, 19-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Сведения об изменении субъекта предпринимательства юридического лица

08.10.2019 г.

	До изменений	После изменений
1	Наименование юридического лица - субъекта предпринимательства 200626021, ELEKTRTARMOQQURILISH	Наименование юридического лица - субъекта предпринимательства <i>Без изменений</i>
2	ОПФ Акционерное общество	ОПФ <i>Без изменений</i>
3	Адрес осуществления деятельности город Ташкент, Яккасарайский район, GLINKA, 19,	Адрес осуществления деятельности город Ташкент, Яккасарайский район, GLINKA KO'CHASI, 19-UY
4	ОКЕД Деятельность головных компаний	ОКЕД <i>Без изменений</i>

Учредители до изменения

Тип учредителя	ИНН учредителя	Ф.И.О. / Наименование	Сумма	Доля
Юридическое лицо		O'ZBEKENERGO DAK	137 198 400.00	100.0 %
Уставный фонд 137 198 400.00 UZS				100.0 %

Учредители после изменения

Тип учредителя	ИНН учредителя	Ф.И.О. / Наименование	Сумма	Доля
Юридическое лицо	0	AKSIYADORLAR	1 517 440 000.00	100.0 %
Уставный фонд 1 517 440 000.00 UZS				100.0 %